

VII.КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 40585 тани ташкил қилиб, шундан 35051 таси ёки 86,4 % фаолият кўрсатмоқда.



- Рўйхатдан ўтган корхоналар
ва ташкилотлар 42283 та**
- Фаолият кўрсатаётганлар корхоналар ва
ташкилотлар 36842 та 2019 йил 1 октябрь
ҳолатига 7421 та янги ташкил этилди**
- Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес
субъектлари сони 30967 та бўлиб, 2019 йил
1 октябрь ҳолатига 7124 та янги ташкил этилди**
- Хорижий сармоя иштирокидаги 1066 та
корхоналар фаолият кўрсатмоқда**
- Ўтган йилга нисбатан 102 та корхона ва
ташкилотлар тугатилиши камайганилиги
кузатилган**


Рўйхатдан ўтган 42283 та корхоналар ва ташкилотларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7972 тага ёки 23,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.



Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 10445 та (24,7 %), саноатда 8301 та (19,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 4592 та (10,7 %), қурилишда 3370 та (8,0 %) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3317 та (7,8 %) соҳаларига тўғри келади.




2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>якунга нисбатан %да</i>	<i>бирлик</i>	<i>якунга нисбатан %да</i>
Жами	42283	100	36842	100
<i>ишу жумладан:</i>				
кишлoқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4592	10,9	3948	10,7
саноат	8301	19,6	7254	19,7
қурилиш	3370	8,0	2883	7,8
савдо	10445	24,7	8906	24,2
ташиш ва сақлаш	1479	3,5	1294	3,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3317	7,8	2769	7,5
ахборот ва алоқа	590	1,4	452	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	653	1,5	614	1,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	9536	22,6	8722	23,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,6 % подавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 20,2 % хусусий корхоналар, 3,1 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 % акциядорлик жамиятлари ва 76,6 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши

(январь-сентябрь, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)



2019 йил январь-сентябрда жами 7421 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 7124 та). Уларнинг асосий қисми Зангигита (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (15,6 %), Кибрай (8,5 %), Тошкент (6,9 %), Янгийўл (6,0 %), Ўртачирчик (5,2 %) ва Бўстонлиқ (5,0 %) туманлари ҳамда Ангрен (6,6 %), Чирчик (5,1 %) шаҳарларига тўғри келди.


Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича йиллар кесимида тақсимланиши, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 35,9 % савдо, 20,9 % саноат, 9,8 % қурилиш ва 9,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади.




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидағи сони, бирликда
(фермер ва дәхқон хұжасылдаридан ташқари)**



Хисобот даврида 1007 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 200 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 19,9 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.


2019 йил 1 октябрь ҳолатига 36,4 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйҳатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 25,3 мингта, хусусий корхона – 7,8 мингта, оиласијий корхона – 2,5 мингта, бошқа тижорат корхоналари - 0,8 минг тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари
(январь-сентябрь жамига нисбатан %да)**




Масъулияти чекланган жамиятлар: 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 22260 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5016 тага ёки 29,1 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга олинган масъулияти чекланган
жамиятларининг улуши, %да**




Хусусий корхоналар: 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 6161 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 465 тага ёки 8,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Рўйхатга олинган хусусий корхоналарнинг улуши, %да



Оилавий корхоналар: 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2231 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 690 тага ёки 44,8 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Рўйхатга олинган оилавий корхоналарнинг улуши, %да



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 7130 та янги тижорат корхоналар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 7124 та). Янги ташкил топган тижорат корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,0 %), Қибрай (8,5 %), Тошкент (7,0 %) ва Янгийўл (6,0 %) туманлари ҳамда Ангрен (6,6 %) шахрига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг асосий қисми 37,4 % савдо, 21,8 % саноат, 10,2 % қурилиш ва 9,7 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 920 та тижорат корхоналар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 197 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 21,4 %) ихтиёрий тугатилиши тартибини қўллаш орқали тугатилган.


Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 1066 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 284 тага ёки 36,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарни асосий қисми Зангиота 131 та (жамидаги улуши 12,3 %), Қибрай 106 та (9,9 %), Юқоричирчиқ 84 тани (7,9 %), Ўртачирчиқ, Янгийўл 68 тадан (6,4%), Тошкент туманларида 65 та (6,1 %) ва Ангрен 85 та (8,0 %), Чирчиқ шаҳарларида 74 та (6,9 %) ташкил этилган. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Бўка, Бекобод 7 тадан (0,7 %), Оққўрғон 9 та (0,8 %), Пискент 15 та (1,4 %) ва Чиноз туманларида 16 та (1,5 %) ҳамда Бекобод шаҳрида 18 та (1,7 %) ташкил этган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни
худудлар кесимида сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали
иштироқида корхоналар улуши, %**



2019 йил январь-сентябрь ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштироқида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 224 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштироқида-71 та, Россия Федерацияси-31 та, Қозоғистон Республикалари-30 та, Туркия Республикаси-11 та, Жанубий Корея Республикаси-15 та ва 55 та бошқа мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	1066	100
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	104	9,8
Саноат	628	58,9
Қурилиш	38	3,6
Савдо	159	14,9
Ташиш ва сақлаш	18	1,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	20	1,9
Ахборот ва алоқа	5	0,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	11	1,0
Бошқа фаолият турлари	83	7,8

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштироқида фаолият кўрсатаётган 1066 та корхоналарнинг 628 таси (58,9 %)-саноат, 159 та (14,9 %)-савдо, 104 таси (9,8 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 38 та (3,6 %)-курилиш, 20 та (1,9 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 18 та (1,7 %) -ташиш ва сақлаш, 11 та (1,0 %)-соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 5 та (0,5 %) - ахборот ва алоқа ҳамда 83 та (7,7 %) бошқа фаолият турлари соҳасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида худудлар бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)**

Туман ва шаҳарлар	Жами	Кишлоқ ва ўрмон хўжалиги	Саноат	Курилиш	Савдо	Ташниш ва саклаш	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматнот	Ахборот ва алоқа	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўнсиги	Бошқалар
Тошкент вилояти	1066	104	628	38	159	18	20	5	11	83
<i>туман:</i>										
Оккўргон	9	1	6	1						1
Оҳангарон	60	10	43	1	3					3
Бекобод	7	2	4							1
Бўстонлик	40	12	15	2	4	2	1			4
Бўка	7	2	3		1		1			
Қўйичирчик	30	8	17		4					1
Зангиота	131	10	52	4	40	5	2	1	2	15
Юқоричирчик	84	7	54	1	15				3	4
Қибрай	106	14	55	6	15	1	3	1	1	10
Паркент	22	2	14	2			1			3
Пискент	15	3	10		1					1
Ўртачирчик	68	17	29	3	11	1	2	1	1	3
Чиноз	16	2	12		2					0
Янгийўл	68	5	42	2	14	2	2			1
Тошкент	65	4	38		14	4	1		1	3
<i>шаҳар:</i>										
Нурафшон ш.	38	2	20	6	2		1			7
Олмалиқ ш.	34	1	18	1	7		2			5
Ангрен ш.	85	1	63	3	10	1	1			6
Бекобод ш.	18		14		1	1		1		1
Оҳангарон ш.	37		32		2					3
Чирчик ш.	74	1	49	4	4	1	3	1	3	8
Янгийўл ш.	52		38	2	9					3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатоётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



**2019 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати
(умумий ҳажсмга нисбатан % ҳисобида)**

